

## ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШДА БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Бобоев Омонхон Мухаммадиевич  
Қарши ДУ ўқитувчиси, Ўзбекистон.

**Аннотация:** В данной статье автор описал место музыки в духовно-нравственном воспитании молодежи. Ведь музыка является важным средством формирования в сердцах молодого поколения таких нравственных качеств, как национальная гордость, уверенность в себе, патриотизм, трудолюбие.

**Ключевые слова:** музыка, профессиональное мастерство, современные информационные технологии, песни, человеческий дух.

**Аннотация:** Ушбу мақолада музалиф ёшларни мањнавий-ахлоқий тарбиялашда мусиқа фанининг ўрнига тавсиф берган. Зоро мусиқа ёш авлод қалбида миллий ғурур, ўзига ишонч, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг муҳим воситасидир.

**Таянч сўзлар:** мусиқа, касбий малака, замонавий ахборот технологиялари, қўшиқлар, инсон рўхияти.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, мањнавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун маъсулиятни ўз зиммасига оладиган ёш авлодни [1] тарбиялаш асосий мақсад ҳисобланади. Ўз навбатида "Мусиқа – ҳеч нарса билан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган бекиёс илоҳий таъсир кучига эга" [2; 141], у ёш авлод қалбида миллий ғурур, ўзига ишонч, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг муҳим воситасидир.

Шунинг учун таълим масканларида мусиқа ўқитувчиларимиз томонидан берилаётган мусиқий таълим-тарбиянинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарур деб ўйлаймиз. Чунки, ёш авлоднинг мањнавий ва ривожланишида асосий пойдевор – таълим масканларида қўйилади. Мусиқа ўқитувчилари зиммасидаги асосий вазифалар ҳам шу жиҳатларда кўринади. Бу маъсулият шарафли бажарилиши учун эса, мусиқа ўқитувчиларида касбий малакаси етарли даражада шаклланган бўлишлиги лозим. Шу боис ҳам, ҳозирги кунда "...музиқий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта муҳим аҳамият касб" этмоқда [5; 143].

Таҳлилларимиз мусиқа ўқитувчиларининг ҳозирги кунда замонавий ахборот технологияларни дарс жараёнида қўллашда айrim камчиликларга йўл қўяётганилиги кўрсатди. Биз таълим масканларида фаолият олиб борадиган бўлажак мусиқа ўқитувчиларимизни дарслар жараёнида ахборот ва компьютер технологиялардан

фойдаланиш бўйича касбий малакасини олий таълим даргоҳларидан бошлаб шакллантиришга янада эътибор қаратишимиш лозим.

Шакллантирувчи тажриба жараёнида биз бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг компьютер саводхонлиги бўйича касбий малакаларини шакллантиришга диққат эътиборимизни қаратдик. Мактабда ўтказилган амалиёт жараёнида тажрибали ўқитувчилар томонидан замонавий компьютер технологияларидан фойдаланилган ҳолда кўргазмали слайдлар асосида дарслар ташкил этдик. Бу тадбирлар ўзининг амалий натижаларини берди. Амалиётчи талабаларимиз “компьютер техникаси воситалари ёрдамидан фойдаланиб ўтилган дарсларда мавзу ўқувчилар томонидан тез ва осон ўзлаштириши кузатилганлигини” –қайд этишди.

Албатта, ўқувчининг ички ва руҳий дунёси шунчалар пинҳоний ва жуда нозикки, мусиқа ўқитувчиси дарс жараёнида ёшлар руҳиятидаги ушбу жиҳатларга алоҳида эътиборга олиши лозим. Шу ўринда бобоколонимиз Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонуни” асарида мусиқанинг руҳиятга таъсири ҳақидаги сўзларига фикримизни исботи сифатида қарашимиз мумкин: “Гўдакнинг танаси чиниқиши учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси онасининг қўшиғи (алласи). Биринчиси танасига, иккинчиси – руҳига тегишлидир” [4; 18].

Шу ўринда мусиқа таълим-тарбиясининг болалар соғлиғи учун ижобий таъсирига эътибор қаратайлик:

Болалар бу жараёнда нафақат руҳий, балки жисмонан ривожланади. Чунки бола куйлаётганда оғиз, бурун, нафас йўллари, кўкрак қафаси, умуман олганда унинг барча тана аъзолари ривожлана боради;

Ўқувчиларнинг асарни ўрганиш жараёнида мусиқани идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш ва рақсга тушиш, ижодкорлик малакалари шаклланади;

Мусиқа остида ритмик ҳаракатлар бажарганда гавда тўғри ўсади ва қомади кўркамлашади, бу каби машқлар айниқса ривожланишида нуқсони бор ёшлар учун янада фойдали. [3].

Ўқитувчининг ўқувчиларга куйлаш жараёнида гавдани тик, эркин ва тўғри қўйиши каби қоидаларини тушунтириши ҳамда улардан қатъий талаб этиши мақсадга мувофиқ.

Биз биламизки мусиқа маданияти дарслари қўйидаги фаолият турларни ўз ичига олади:

- ②Қўшиқ куйлаш;
- ②Мусиқа тинглаш;
- ②Мусиқа остида ритмик ҳаракатлар бажариш;
- ②Болалар мусиқий чолғу асбобларини чалиш;
- ②Мусиқа ижодкорлиги. [5].

Ўқитувчининг дарсни қайси фаолият туридан бошлаши ва тугатиши унинг ижодкорлигига боғиқ. Дарс жараёнида ташкил этиладиган ҳар бир фаолият турининг

ўзига хос ўрни бўлиб улар бир бутунлиқда ёшларда мусиқий маданиятни шакллантиради.

Бошланғич синфларда Ватан ҳақидаги қўшиқларни куйлатиш боланинг маънавиятини юксалтиришда ҳамда унга нафис гўзалликни қўшиқлар воситасида ҳис этишига катта ёрдам беради. Шу ўринда биз мусиқа маданияти дарсларининг мусиқа тинглаш қисмини компьютер техникаси ва мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўргазмали шаклда самарали ташкил қилиш учун мўлжалланган А. Рахмонқұлов мусиқаси билан айтиладиган “Ватанжоним-Ватаним” қўшиғини ўргатиш мисолида айрим тавсияларимизни бериб ўтамиш.

Ўқувчиларга бериладиган тахминий саволлар уларнинг ёшлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагича тузилиши мумкин:

- 1) Бизнинг Ватанимизнинг номини айтинг?(Ўзбекистон)
- 2) Мустақиллик куни қачон? (1991йил ,1-сентябрь)
- 3) Давлатимиз рамзларини санаб беринг?(Мадҳия, герб, байроқ)
- 4) Мадҳиямизнинг мўаллифларини биласизми?(А. Орипов, М. Бурхонов).

Ўқувчилар саволларга жавоб беришда, одатда, ўз жавобларини қўшиқлардаги ёрқин тасвирлар орқали тасвирлашга ҳаракат қилишади. Ўқитувчи жавоб берган ўқувчиларнинг жавобларини тўлдириб, фаол қатнашган ўқувчиларни рағбатлантириб бориши мақсадга мувофиқ.

Албатта, мусиқа ўқитувчиси дастур учун танлаган ҳар бир мусиқа асарларининг тарбиявий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиши керак. Негаки, дастурга киритилган ҳар бир мусиқий асар ўқувчиларнинг маънавиятини, миллий ғурур ва ватанпарварлик түйғуларини шакллантиришга, уларда ташаббускорлик ғояларини тарбиялаб ижодий маҳорати, нафосати ва бадиий дидини ўстиришга, фикр доирасини кенгайтиришга хизмат қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтиш мүмкинки, соғлом авлод тарбиясига барчамиз масъулмиз. Мусиқа ўқитувчиларининг эса бу борадаги маъсулияти ниҳоятда катта. Шундай экан, бўлажак мусиқа ўқитувчисида касбий малакаларини шакллантириш орқалигина бу маъсулиятни шарафли бажарилишини таъминлаш мүмкин.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. “Соғлом авлод йили” давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014-й.
2. Мирзиёев Ш. М. “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан. 2019 - йил 27-август. Самарқанд
3. Мурадов М. К. Всесторонне развитой личности средствами музыкального искусства //Innovative Development in Educational Activities. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 35-38.

4. Ражабов И “ Мақомлар” Т: Санъат. 2006-йил 345 б.
5. Д. Соипова Мусиқа үқитиш назарияси ва методикаси .Үқув-методик құлланма Т.: – 2009 224 б.
6. Najimovich R. A. Development of Students' Creative Thinking Skills by Organizing Music Culture Lessons Based on STEAM Education //International Journal on Integrated Education. – 2023. – Т. 6. – №. 5. – С. 87-88